ҚОИДАЛАР
«KZга SWIFTни ноллаймиз» акциясини ўтказиш
юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бўлган янги мижозлар учун

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. **«KZга SWIFTни ноллаймиз» акцияси (кейинги ўринларда – Акция)** – ушбу тадбир қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун Банк хизматларининг жозибадорлигини оширишга, хусусан, «Tenge Bank» АТБ орқали «Halyk Bank» АЖга барча турдаги хорижий валюталарда трансчегаравий SWIFT-тўловларни ҳамда Қозоғистон Республикасининг бошқа банклари мижозлари фойдасига тенгеда ўтказмаларни бепул амалга оширишга қаратилган.

1.2. Акция лотерея ёки таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин ҳисобланмайди, иштирокчилар Акцияда иштирок этиш билан боғлиқ мулкий таваккалчиликларни ўз зиммаларига олмайдилар, Акция ушбу Қоидаларга мувофиқ ўтказилади.

1.3. Ушбу Қоидалар Акция ўтказиладиган шахслар доирасини, чегирма тақдим этиш шартлари ва тартибини белгилайди.

1.4. Ушбу Қоидаларнинг амал қилиши «Tenge Bank» АТБнинг барча таркибий бўлинмаларига: БХМ, БСМ, «Tenge business» масофавий банк хизмати кўрсатиш сервисларига татбиқ этилади.

1.5. Акция ташкилотчиси «Tenge Bank» АТБ ҳисобланади.

1.6. Ташкилотчининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100027, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Укчи МФЙ, И.Каримов кўчаси 1, 1-б уй.

Ташкилотчи Алоқа марказининг телефон рақами: 1245.

2. АТАМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

«KZга SWIFTни ноллаймиз» акцияси (кейинги ўринларда – Акция) – ушбу тадбир қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун Банк хизматларининг жозибадорлигини оширишга, хусусан, «Tenge Bank» АТБ орқали «Halyk Bank» АЖга трансчегаравий SWIFT-тўловларни амалга оширишга қаратилган. Акциянинг моҳияти шундан иборатки, «Halyk Bank» АЖга барча турдаги хорижий валюталарда трансчегаравий SWIFT-тўловларни амалга оширганлик учун янги мижозлардан банк комиссияси ундирилмайди, Қозоғистон Республикасининг бошқа банклари мижозлари фойдасига тенгеда ўтказмалар эса бепул амалга оширилади.

Банк (Акция ташкилотчиси) – «Tenge Bank» акциядорлик тижорат банки ва унинг офислари.

Банк ҳисобварағи – Комплекс банк хизмати кўрсатиш тўғрисидаги универсал шартнома шартларига мувофиқ Банк томонидан очилган миллий валютадаги асосий ёки иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи.

Банк офислари - Банк таркибида фаолият юритувчи ҳамда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга банк хизматларини кўрсатувчи Банк сервис марказлари (БСМ) ва Банк хизматлари марказлари (БХМ).

Мижозлар – қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, «Tenge Bank» АТБнинг янги мижозлари.

Акция иштирокчиси - қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, «Tenge Bank» АТБнинг янги мижозлари.

Банк тарифлари – юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бўлган мижозларнинг миллий ва хорижий валюталардаги топшириқларини бажарганлик учун Банкнинг комиссион мукофот тарифлари.

Акция қоидалари – «KZга SWIFTни ноллаймиз» акциясини ўтказишнинг ушбу қоидалари.

3. АКЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

3.1. Акция – банк хизматларининг жозибадорлигини ошириш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар бўлган янги мижозларни жалб қилишга, хусусан, «Halyk Bank» АЖга барча турдаги хорижий валюталарда SWIFT-тўловларни ҳамда Қозоғистон Республикасининг бошқа банклари мижозлари фойдасига тенгеда ўтказмаларни амалга оширишга қаратилган тадбир.

Акция иштирокчиси Банк билан Универсал шартномага қўшимча келишув тузади, у қуйидаги жадвалга мувофиқ имтиёзли шартларни ўз ичига олади:

№	Операция номи	Нархи
Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хорижий валютада (шу жумладан тенгеда) хизмат кўрсатганлик учун		
1. Жорий ҳисобварақларни юритиш		
43.1-банд	«Қозоғистон Халқ жамғарма банки» АЖ (Halyk Bank) мижозлари фойдасига янги мижозлар учун барча турдаги хорижий валюталарда ўтказма	Бепул
44.1-банд	Қозоғистон Республикасининг бошқа банклари мижозлари фойдасига тенгеда янги мижозлар учун ўтказма	Бепул

4. АКЦИЯНИ ЎТКАЗИШ МУДДАТЛАРИ ВА ЖОЙИ

4.1. Акция Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказилади.

4.2. Акцияни ўтказиш муддати:

2026-йил 3-ноябрдан 2026-йил 31-декабргача (шу кун ҳам киради).

4.3. Кўрсатилган даврда ушбу Қоидалар талабларига жавоб берадиган мижозлар Акция иштирокчиси бўлишга ҳақли.

4.4. Акция муддати тугаганидан сўнг «Halyk Bank» АЖга барча турдаги хорижий валюталарда трансчегаравий SWIFT-тўловлар ҳамда Қозоғистон Республикасининг бошқа банклари мижозлари фойдасига тенгеда ўтказмалар Банкнинг стандарт шартлари асосида амалга оширилади.

5. АКЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИНИ АКЦИЯНИ ЎТКАЗИШ ШАРТЛАРИ, АКЦИЯНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ ЁКИ МУДДАТИДАН ОЛДИН ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА ХАБАРДОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

5.1. Банк ушбу Қоидаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан Акцияни муддатидан олдин тугатиш ёки узайтириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

5.2. Ўзгаришлар тўғрисидаги маълумот ўзгаришлар кучга киришидан камида 3 (уч) иш куни олдин www.tengebank.uz расмий сайтида эълон қилинади.

5.3. Акция иштирокчиларини уни ўтказиш шартлари ва тартиби тўғрисида хабардор қилиш «Tenge Bank» АТБнинг ижтимоий тармоқларида ва Банкнинг расмий сайтида реклама постларини жойлаштириш орқали амалга оширилади: www.tengebank.uz

5.4. Ушбу Акция тўғрисида батафсил маълумот, шунингдек Акция қоидалари Банкнинг расмий сайтида жойлаштирилган: www.tengebank.uz.

5.5. Акция тўғрисида қўшимча маълумотни 1245 телефон рақами орқали ҳам олиш мумкин.

5.6. Акция муддатидан олдин тугатилган, уни ўтказиш муддатлари узайтирилган ёки Қоидаларга ўзгартиришлар киритилган тақдирда, тегишли маълумот www.tengebank.uz сайтида жойлаштирилади.

1-сон қўшимча келишув
«Tenge Bank» АТБда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга комплекс хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Универсал шартномага

_____ ш. **2026-йил «_____» _____**

Бундан буён «Банк» деб юритиладиган «Tenge Bank» акциядорлик тижорат банки номидан ____-йил _____даги ___-сон ишончнома асосида иш юритувчи «Tenge Bank» АТБ _____ БХМ бошқарувчиси / БСМ бошлиғи _____ бир томондан, ва бундан буён «Мижоз» деб юритиладиган _____ номидан _____ асосида иш юритувчи директор _____ иккинчи томондан, биргаликда «Тарафлар» деб юритилувчилар, «Tenge Bank» АТБда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга комплекс хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Универсал шартномага (кейинги ўринларда — «Шартнома») ушбу 1-сон қўшимча келишувни қуйидагилар ҳақида тузидилар:

1. **Ушбу қўшимча келишув тузилган санадан бошлаб Мижоз «KZга SWIFTни ноллаймиз» акциясида (кейинги ўринларда – Акция) иштирок этишга розилик беради** ва банк ҳисобварағи очилган кундан бошлаб 2026-йил 31-декабргача (шу кун ҳам киради) (_____._____.2026-йилдан 31.12.2026-йилгача) хорижий валютадаги жорий ҳисобварақларни бепул юритиш бўйича имтиёзларга эга бўлади, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

№	Операция номи	Нархи
Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга хорижий валютада (шу жумладан тенгеда) хизмат кўрсатганлик учун		
1. Жорий ҳисобварақларни юритиш		
43.1-банд	«Қозоғистон Халқ жамғарма банки» АЖ (Halyk Bank) мижозлари фойдасига янги мижозлар учун барча турдаги хорижий валюталарда ўтказма	Бепул
44.1-банд	Қозоғистон Республикасининг бошқа банклари мижозлари фойдасига тенгеда янги мижозлар учун ўтказма	Бепул

Юқорида кўрсатилган рўйхатга киритилмаган банк хизматларини кўрсатиш хизмат кўрсатилган санада амалда бўлган Банк тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

2. Акция муддати тугаганидан сўнг банк хизматлари учун комиссиялар хизмат кўрсатилган санада амалда бўлган Банк тарифларига мувофиқ ундирилади.

3. Шартноманинг ушбу қўшимча келишув билан боғлиқ бўлмаган бошқа шартлари тарафлар томонидан ўзгаришсиз қолдирилади.

4. Ушбу қўшимча келишув имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва ушбу қўшимча келишувнинг 1-бандида кўрсатилган Индивидуал тарифларнинг амал қилиш муддати давомида амал қилади. Индивидуал тарифларнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, агар Тарафлар томонидан бошқача келишилмаган бўлса, сукут бўйича Банкнинг амалдаги тарифлари қўлланилади.

5. Ушбу қўшимча келишув ва унга иловалар юқорида қайд этилган Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади, икки нусхада (Тарафларнинг ҳар бири учун биттадан) тузилди. Иккала нусха бир хил ва тенг юридик кучга эга.

Тарафларнинг почта манзиллари ва реквизитлари:

«Банк»
«TENGE BANK» АТБ
БХМ/БСМ _____
Манзил: _____
Тел.: 71-203-88-99
Банк реквизитлари:
Банк коди 01176
СТИР 207297973
ИФУТ 64190
БХМ/БСМ раҳбари _____
«TENGE BANK» АТБ

_____
М.Ў.

«Мижоз»
_____
_____
Манзил:_____
_____
Банк реквизитлари: _____
Х/р: _____
СТИР: _____
Раҳбар: _____
имзо_____

М.Ў.